Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 1 июль ● сешанба ● № 30 (589) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

асосидаги халқаро ҳуқуқ нормалари мамлакатимиз қонунчилигида ҳам ўз аксини топган

Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги, манфаати олий қадрият саналишининг яна бир исботи, десак янглишмаймиз. Фармонда таъкидланганидек, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Демократик, ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилади".

"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"нинг 15-моддасида белгиланганидек, "Ҳар бир инсоннинг фуқаролик ҳуқуқи бор. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан маҳрум қилиниши ёки ўз фуқаролигини ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас" деган халқаро ҳуқуқ нормаси асосида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Фуқаролик тўғрисида"ги Қонунида мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланган.

3

● Эртага — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

ОЗОД ЮРТНИНГ МУКАММАЛ ТИМСОЛИ

юрагида Ватан туйғуси жўш урган ҳар бир кишида ғурур ва фахр-ифтихор уйғотади

Герб. Бу сўзни ДАВЛАТ тушунчасидан айри тасаввур қилиш қийин. Мустақилликни қўлга киритиб, гербига эга бўлган халқ, аввало, ўз тақдирини ўзи белгилайди. Бу миллий тимсолда халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги, шунингдек, орзу-ўйи, маслак-мақсади мужассам.

Давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас саналган. Ҳамма замонда ҳам булар шунчаки давлат сиёсатини амалга ошириш воситасигина бўлиб қолмаган, балки жуда катта ижтимоий-маънавий аҳамият касб этган.

Халқимизнинг буюк давлат барпо этиш ғояси, салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги, энг аввало, давлат рамзлари ва тимсолларида ўз ифодасини топган. Шу боис аждодларимиз ҳаётида рамзлар ва тимсоллар алоҳида эъзозланган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби 1992 йил 2 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида тасдиқланган эди.

Герб сўзи немисча "ҳербо" сўзидан олинган бўлиб, шоҳлар ва ҳукмдорларга давлат, сарҳад, ҳудуд ва бошқа наслдан-наслга мерос қолувчи мулк белгисини англатади. Бундан 2500 йил муқаддам улкан сарҳадда ҳукм сурган қадимги турк хони Ўғузхон даврида ҳам туркча "тамға" сўзи айнан шу маънони билдирар эди.

Тарихчи олимларимизнинг Мирзо Улуғбекка асосланиб маълумот беришича, ҳозирги Ўзбекистонимиз тупроғида XIII-XIV асрларда ҳукм сурган давлатларда савдо карвонларидан олинадиган "тамға солиғи" бўлган. Ҳатто, ҳозирги "таможня" сўзи ҳам, аслида, айнан "тамға божи" бирикмасидан олинган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи йилидаёқ Давлат гербига эга бўлди. Бугун Ўзбекистонни дунёнинг турли бурчакларида гербига қараб ҳам танийдилар. Шуни унутмаслигимиз керакки, тамғамиздаги ҳар бир чизиқ, ҳар бир ранг, ҳар бир белгида муайян рамзий маъно бор. Айтайлик, ўнг томони чаноқлари очилган ғўза, чап томони буғдой шохларидан иборат чамбар ичра тоғлари, дарёлари бор гуллаган водий узра қуёш нур таратиб турибди. Юқорида эса мамлакатимиз ҳурлигининг рамзи сифатида саккиз бурчак, унинг ичида ярим Ой ва юлдузнинг акс эттирилиши биз учун аждодлардан мерос бўлиб келаётган рамзлардан бири. Гербнинг марказидаги қанотларини ёзган хумо қуши бахт ва эрксеварлик рамзи ҳисобланади. Бу айнан жаннатмонанд диёримизнинг мукаммал тасвиридир.

"Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири қайси биноларда ўрнатиб қўйилиши белгиланган.

Давлат герби — мамлакат фуқаролари учун муқаддас ҳисобланган белги. У юрагида Ватан туйғуси жўш урган ҳар кишида миллий ҳис, ўзига хос ғурур, энг муҳими, юртга меҳр уйғотади. Ўзбекистон бир узук бўлса, Давлат герби гўё шу узукнинг мангу порлоқ кўзидир.

Азизхон НОДИРОВ,
Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати ходими

● Бугун — миллий валюта — сўм жорий этилган кун

ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

Озод ва эркин давлатнинг мустақиллиги белгиси — аломатларидан бири унинг миллий валютасидир. Шунинг учун ҳам биз, гарчи замонлар ўтса-да, неча асрлар муқаддам зарб этилган тангаларни, тарихий ёдгорликларни, ўша даврдаги давлатчилик тимсоли сифатида қадрлаймиз, ўрганамиз.

Бир ярим асрлик истибдоддан сўнг мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилингач, энг муҳим ва оғир вазифалардан бири миллий валютани ҳаётга жорий этиш бўлган, албатта. Нега деганда, ўша вақтда собиқ иттифоқ ҳудудидаги кўпгина ёш давлатлар қатори мамлакатимизда ҳам рубль муомалада бўлган эди. Рублнинг бошқарилиши Москванинг ихтиёрида бўлган. Бу эса, ўз навбатида турли қийинчиликларни келтириб чиқарган.

Агар биз бугун миллий валютани муомалага киритиш тарихига назар ташласак, унинг икки босқичда амалга оширилганини кўрамиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрдаги **"Ўзбекистон ҳудудида сўм-купонларни муомалага киритишни жорий қилиш тўғрисида"**ги қарори билан 15 ноябрдан эътиборан 1961-1992 йилларда чиққан рубллар билан биргаликда ҳаракатланувчи параллел валюта муомалага киритилди. Сўм-купон курси 1961-1992 йилларда чиққан рубллар ва 1993 йилда чиққан Россия Банкининг банкнотларига нисбатан, 1 сўм-купон — 1 рубль нисбатида белгиланди. Бу жараён миллий валютага ўтишнинг биринчи босқичи ҳисобланади.

Президентимизнинг 1994 йил 16 июндаги Фармони билан 1994 йил 1июлдан бошлаб, Ўзбекистон ҳудудида миллий валюта — сўм муомалага киритилди. Шу кундан бошлаб, сўм — мамлакатимизда қонуний тўлов воситаси бўлиб қолди, сўм-купонларни ишлаб чиқариш эса тўхтатиб қўйилди. Бундай ёндашув алмашинув жараёнида рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай саросиманинг олдини олди.

Миллий валютани муомалага киритишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг етакчи тамойилларидан бири — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдир.

Бугун миллий валютанинг муомалага киритилиши тарихга айланиб қолди. Миллий валюта халқимиз ҳаётида муҳим ўринга эга. Ҳозирги кунда, давлатимиз герби, Амир Темур ва Темурийлар давлати музейи суратлари акс этган миллий сўмимизнинг жаҳон миқёсида ўзига хос нуфузи, мавқеи бор. Яъни, у дунёнинг қайси давлатида бўлмасин, ўзбекнинг миллий ғурури, тарихини ўзида акс эттиради.

Ватанимизда миллий валютага ўтиш тажрибаси жаҳон таҳлилчилари томонидан ҳам юксак баҳоланиб, эътироф этиб келинмоқда. Куни кеча АҚШнинг Индиана университети профессори Мартин Спеклер Ўзбекистон тараққиёт моделини юксак баҳолаб, мамлакатда амалга оширилган қатъий пул-кредит сиёсати 2003 йилнинг якунига келиб Ўзбекистонда миллий валюта — сўмнинг конвертациясини йўлга қўйиш имконини берганини таъкидлаб ўтди.

Бу эса мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг янада жадаллашаётганлигини кўрсатади.

Исматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Самарқанд вилояти прокурори катта ёрдамчиси,
адлия маслаҳатчиси

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

Сирдарё тумани прокуратураси томонидан Бахт шаҳар "Бойзоқов" кўчаси 37-уйда яшовчи фуқаро Ш.Каримовнинг унга бириктириб берилган ер майдонида фуқаро С.Эргашев томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги сабабли ушбу ер майдонининг ҳақиқий эгаси ким эканлигини аниқлашда ҳамда Сирдарё тумани ва Бахт шаҳри ҳокимлари томонидан айнан ушбу низоли ер майдони учун чиқарилган қарорларнинг қайси бири ҳақиқий эканлигига қонуний баҳо берилишини сўраб, ёзган аризаси ўрганиб чиқилди.

ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

Аниқланишича, Сирдарё тумани ҳокимининг Ш.Каримовга 500 квадрат метр майдонида умумий овқатланиш ва савдо шохобчаси бинолари қуриш ҳамда боғ барпо этиш учун 2006 йил 9 декабрда 855-сонли қарори чиқарилган. Туман ҳокимининг 2007 йил 3 январдаги 100-сонли қарори билан фуқаро Ш.Каримов томонидан қуриб битказилган маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси Ш.Каримовнинг мулки эканлиги тан олинган.

Бироқ, Бахт шаҳар ҳокимининг 2007 йил 25 декабрда 156-сонли қарори билан фуқаро С.Эргашевга юқорида кўрсатилган ер майдонида савдо умумий овқатланиш биноси қуриш ва боғ барпо этишга рухсат берилган.

Ўрганиш натижаси бўйича Бахт шаҳар ҳокими Ю.Юлдашев ва шаҳар архитектори Ш.Эшбоевлар қонунбузилишига йўл қўймасликлари хусусида расман огоҳлантирилдилар.

Мазкур ҳолатга қонуний баҳо берилиб, фуқаро Ш.Каримовнинг ерга бўлган эгалик ҳуқуқи тикланди.

Т.РАДЖАБОВ,
Сирдарё тумани прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

«ГАЗЕТА АРАЛАШГАЧ ҳақ қарор топди...»

Фидойи журналистлар виждонан қалам тебратиб, одамлар дилидагини айтаётганига мудом гувоҳмиз. Бундай жонкуяр инсонлар жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашда катта ёрдам беришларини ўз ҳаётим мисолида келтириб ўтмоқчиман.

"Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасининг 2008 йил 15 апрель сонида **"Суд қарори муҳокама этиладими?"** номли мақола эълон қилинган эди. Дилфуза Раҳимбекова қаламига мансуб мазкур мақола мени бир неча йил қаттиқ ташвишлантирган муаммонинг ҳал этилишига, айрим тўсиқлар олиб ташланишига сабаб бўлди. Журналистнинг тўғри ва қатъий сўзи, қонун ҳимоячиларининг эътибори, туфайли ҳақ ўрнида қарор топди. 2000 йил 10 февралгача эгаллаб, шу куни мажбурий равишда топширган "Жиззах шаҳар молия бўлими мудири" лавозимига яқинда, яъни саккиз йиллик оворагарчиликдан сўнг тикландим. Яна ғайрат-шижоат, ишонч билан ўзимнинг севимли ишимда ишлашга киришдим.

Шунча йилдан бери мени қийнаб келган муаммони ҳал қилиш, қонуний ҳуқуқларимни тиклашда менга катта ёрдам берган таҳририятнинг журъатли журналистларидан миннатдорман. Уларнинг одамларга яхшилик қилиш, маънан кўмакдош бўлиш, жамиятимиздаги айрим камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этишга ҳисса қўшиш, кези келганда қонуний ҳимоя этишдек масъулиятли ишларида катта ижодий ютуқлар тилайман.

Матлуба КАРИМОВА,
Жиззах шаҳар молия бўлими мудири

"КОМПЕНСАЦИЯ ОЛОЛМАЁТГАНДИМ..."

Мен 1998 йилдан буён Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги "Сардоба" пахта тозалаш корхонасида ишлардим. 2007 йил 27 октябрь куни иш жараёнида чап қўлимнинг учта бармоғини агрегат узиб кетди.

Шундан сўнг туман шифохонасида 60 кун даволандим. Чиққанимдан кейин мавжуд қонунчиликка биноан меҳнатда майиб бўлганлик учун компенсация тўлаб беришларини сўраб, корхона раҳбариятига мурожаат қилдим. Аммо ҳеч ким бу мурожаатимга эътибор бермади.

Вилоят тиббий меҳнат экспертиза комиссиясига борганимдан сўнггина менга тўланиши лозим бўлган компенсация мутахассислар томонидан ҳисоблаб чиқилди. Маълум бўлишича, мен 2 миллион 350 минг сўм олишим керак экан. Аммо корхона маъмурияти пулни тўлашга келганда "отангга бор, онангга бор" қабилида иш тутди. Роса 8 ой сарсон бўлдим.

Шундан сўнг мен газетангизнинг ҳудудимиздаги мухбири орқали сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

Минг бор раҳмат, Сизларнинг аралашувингиз туфайлигина менинг 8 ойлик асаббузарликларимга барҳам берилди, яъни юқоридаги миқдорнинг дастлабки 750 минг сўмини олишга муваффақ бўлдим.

Корхона маъмурияти қолган миқдорни ҳам тез кунда тўлаб беришни кафолатлади.

Рашид БЕРДИЁРОВ,
Оқолтин тумани

● Эътироф

СУДЬЯ. МАЛАКА. ЖУРЪАТ

ёки Олий судда ўз кучида қолдирилган ҳукм атрофидаги мулоҳазалар

Қонун судларни бир неча поғоналарга бўлиб қўйган: биринчи босқич суди, апелляция, кассация, назорат. Бундан мақсад инсон ҳақ-ҳуқуқларини самарали ҳимоя этиш, пировардида қонун устуворлигини тўла-тўкис таъминлаш экани маълум. Ҳеч ким хатодан холи бўлмаганидек, қуйи босқич судларида йўл қўйилган хато-камчиликларни юқори инстанцияда бартараф этиш имконини берувчи ушбу қонуний тартиблар замирида инсон тақдирига ўта масъулият билан ёндошиш масаласи мужассам. Айниқса, жиноят ишлари бўйича судларда.



моли юқори: ишнинг қўшимча терговга қайтиши кимга ҳам ёқарди. Дарҳол протест ёзилади, апелляция рад этса, назорат тартибида ва ҳоказо... Бу жараёнлар ҳафталар эмас, бир неча ойлаб вақт талаб этади. Юқоридаги ҳукм ҳам протестдан бенасиб қолмади, назорат босқичида бекор қилинди, ҳатто. Бироқ, Олий судда қонуний, нуқта қўйилди: биринчи босқич судининг ҳукми асосли, қонуний, вассалом.

Масаланинг иккинчи жиҳати судланувчининг шахси билан боғлиқ: маҳкум К.В. "дамига ош пишадиган" савдогар ёхуд қайга узатса қўли етадиган валломат ҳам эмас. У таъбир жоиз бўлса, "бахти қаро" бир одам: на оиласи, на иш жойи, на бошпанаси бор. Юмуши — мардикорчилик, кимникида ишласа, ўша ерда ётиб юради. Шунинг ўзиёқ суд ҳақидаги баъзи шубҳаларни йўққа чиқариб, қонун олдида барча баробар, деган қоидани ёдга туширади.

Ҳа, жиноятга жазо муқаррар. Гап унинг қонунийлигида, асослилигида ва адолатлилигида!..

Одил ҲАҚҚУЛОВ,
журналист

Дейлик, шахс қилмишини малакалашдаги ёки унинг жиноятдаги иштироки даражасини аниқлашдаги хатолик, шунингдек, жиноятни очишдаги фаоллиги-ю, айбига чин кўнгилдан пушаймонлиги ва ҳоказо омилларнинг эътибордан четда қолиши тайинланган жазога у ёки бу даражада таъсир этиши мумкин. Шу маънода қуйи босқич судлари томонидан чиқарилган суд актлари юқори инстанцияларда ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши мутлақо қонуний жараён. Бу, илло, қуйи босқич судлари билганича ҳукм (қарор) чиқариши мумкин, кам-кўстини юқоридагилар тўғрилайди, деган маънони англатмайди. Шунингдек, юқори босқичларда ҳукми ёки қарори бекор қилинган судьяга дарҳол чора кўрилса керак, деган қараш ҳам нотўғри. Судья қонунда таъкидланганидек, атайлаб қонунбузилишига ёки жиддий оқибатларга олиб келган виждонсизликка йўл қўймаган бўлса, жавобгар бўлмайди. Чиқарилган ҳукм (қарор) замирида қасд бўлса, бошқа гап — бунинг учун жиноий жавобгарлик бор...

Амалиётда қуйи босқич судлари томонидан чиқарилган суд актлари юқори инстанцияларда турли мазмунда ўзгартирилиши-ю, бекор қилинишига мисоллар кўп. Бироқ қуйи босқич судининг ҳукми (қарори) назорат инстанциясида бекор қилингани-ю, "иш" энг юқори нуқта — Олий судга келганда... назорат босқичининг эмас, айнан биринчи босқич қабул қилган суд акти қонуний ва асосли деб топилишига мисол кам. Гарчи, ушбу ҳолат ҳам мутлақо қонуний жараён ҳисобланса-да, бу бир қанча жиҳати билан эътирофга лойиқ воқеликдир.

Олий суд Ахборотномасининг шу йил февраль сонидаги бир мисол беихтиёр ушбу эътирофни ёзишга ундади. Чунки амалиётда биринчи босқич судининг асосли ҳукми ёки ҳал қилув қарорининг апелляция босқичида асоссиз бекор қилиниши, афсуски, бармоқ билан санарли ҳолат эмас.

Аввал жиноят мазмуни билан танишайлик: 2006 йилнинг 31 август куни кечаси рус миллатига мансуб судланувчи К.В. Галлаорол тумани Алишер Навоий номидаги маҳалла ҳудудидаги дарахтлар тагида ухлаб ётганда, маст ҳолатдаги И. исмли шахс уни оёғи билан туртиб уйғотиб, ахлоқ меъёрига мос келмайдиган талаб қўяди. К.В. — 54 ёшда, И. эса йигирма ёшга эндигина қадам қўйган. Талаби бажо бўлишига кўзи етмагач, И. охир-оқибат қарийб отаси тенги К.В.га нисбатан зўрлик ишлатишга тушади! Ўзига нисбатан икки баробар ёш, жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган И.нинг тажовузига қаршилик қилолмаган К.В. ёнидаги хўжалик пичоғини ишга солишдан ўзга чора топмайди. Танасининг бир нечта жойидан пичоқ еган И. кўп қон йўқотиши натижасида ҳаётдан кўз юмади.

Жиноят ишлари бўйича Галлаорол тумани суди (раис Зиёдулла Ражабов) К.В.га нисбатан уч йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлайди.

Эҳтимол, ҳайрон бўлаётгандирсиз: одам ўлдирганга уч йил? Оз эмасми?

Бир қарашда шундай — одам ўлдириш енгил жиноят туркумига кирмайди, жазо ҳам шунга яраша бўлиши керак. Бироқ ушбу жиноят, унинг содир этилиши, судланувчининг айбдорлик даражаси ва бошқа омилларни ҳисобга олгач, суд К.В.ни уч йилга озодликдан маҳрум этди, холос. Ва бу ҳукм, суднинг юқори поғоналарида бекор қилинган бўлса-да, энг юқори нуқта — Олий судда қонуний, асосли ва адолатли деб топилди!

Ушбу ҳукм икки жиҳати билан эътиборга молик. Биринчиси, шубҳасиз, қуйи судларда профессионал салоҳиятли кадрлар кўпайиб бораётганига бориб тақалади. Ўқувчига қанчалик эриш туюлмасин, Жиноят кодексининг 97-моддаси, 1-қисми билан айбдор, деб топилиб судга берилган шахснинг қилмишини бошқа модда билан малакалаб, кутилгандан анча юмшоқ жазо тайинлаш учун, рости, малака ва салоҳиятдан ташқари катта журъат ҳам талаб этади. Юқоридагига ўхшаш вазиятда аксарият биринчи босқич судлари ишни қўшимча терговга қайтариш билан чегараланади. Бу ҳам қонуний жараён ҳисобланса-да, икки ўртада сансоларлик бошланишининг эҳтиёжи бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти судига апелляция тартибида шикоят келтиради.

Сайёр тартибда ўтказилган апелляция судида фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг 2005 йил 24 февралдаги ҳал қилув қарори бекор қилинади ва даъвогарнинг даъвоси тўла қаноатлантирилади. Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди, дея мамнун бўлган Ибадуллаевларнинг қувончи узоққа чўзилмайди. Суд ижрочилари томонидан апелляция суди қарори ажрими амалга ошириладиган куни республика Олий суди томонидан ижрони тўхтатиш тўғрисида факс орқали хабар юборилади. Ижро 10 кун муддатга кечиктирилади. Белгиланган муддат келганида худди шундай ҳол такрорланади. Шундан сўнг Олий суд раиси ўринбосари томонидан фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти суд раёсатига протест киритилади ва апелляция инстанцияси ажрими Раёсатда бекор қилиниб, ишни Олий суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судида апелляция тартибида кўриб чиқиш учун юборилади. Шукуржон Ибадуллаева айрим сабабларга кўра, 2006 йил 26 октябрдаги апелляция судида иштирок этолмайди. Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти суди апелляция инстанциясида фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди судьяси О.Маткаримов томонидан чиқарилган ҳал қилув қарори асосли деб топилади.

Очиғи, Ибадуллаевлар шундай йўл тутишга, турли идоралар эшигини қоқишга мажбур бўлади. Унинг Хоразм вилояти ҳокимига йўллаган аризаси тегишлилигига кўра, Урганч шаҳар ҳокимлигига юборилади. Ўз навбатида Урганч шаҳар ҳокимлиги Жабборовлар томонидан ўзбошимчалик билан эгалланган ерларни қайтариб олиш ва ноқонуний равишда қурилган икки қаватли иморатни бузиб ташлаш ҳамда Жабборовлар 1-хонадонни сотиб олган пайтда тузилган ва ўзбошимчалик билан ўзгартириш киритилган олди-сотди шартномасини бекор қилиб, янгидан қонуний расмийлаштириш тўғрисида ҳокимлик томонидан фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судига даъво аризаси киритилади. Мазкур суд судьяси З.Қурбонов раислигида кўрилган суднинг ҳал қилув қарорида: **Жабборова Гулжон даъвони тан олмай, 2-гуруҳ ногирони эканлиги, ўзи ва *марҳум* турмуш ўртоғи Хоразм вилояти ветеринария лабораториясида ишлаб келганликлари...** деган ғаройиб жумлалар бор. Ғаройиблиги шундаки, Г.Жабборованинг турмуш ўртоғи Арслон Жабборов "марҳум"... эмас, аниқроқ айтганда, тирик! Эҳтимол, бу жавобгарнинг кўрсатмаси, холос, дея кимлардир эътироз билдирар. Бироқ судья ишдаги ҳар бир ҳолатни, ҳар томонлама холис кўриб чиқиши ва ҳуқуқий баҳо бериши лозим-ку! Башарти, А.Жабборов ҳаётдан кўз юмган тақдирда ҳам бу унинг оила аъзоларига ўзбошимчалик билан ер эгаллаб олиш ва ноқонуний иморат қуриш ҳуқуқини бермайди-ку. Яна бир мулоҳаза: халқимиз ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади, деб бежизга айтмаган. Мабодо, Ибадуллаевлар хонадонида ёнғин содир бўлса, Жабборовлар уйига ўтмаслигига ким кафолат беради?! Урганч шаҳар ИИБ Ёнғин хавфсизлиги томонидан берилган маълумотномада таъкидланганидек: **"...Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ, 119-А уй 2-хонадоннинг камида бир томонидан ёнғин ўчириш автомашиналари хонадонга боришлари учун йўлак очиш мақсадга мувофиқ".**

Аслида бу арзимас можаро маҳалла-кўй миқёсида тинч йўл билан ҳал этилиши ҳам мумкин эди. Бунинг иложи бўлмаганини англаган ҳолда ушбу мақола орқали кўпчиликка қўшни ҳаққи тўғрисида эслатиб ўтишни жоиз, деб билдик. Зотан, Ҳадиси шарифда таъкидланганидек, **"Агар бирор қўшни ёрдам сўраса ёрдам бермоқ, қарз сўраса, қарз бермоқ... ноқулай иморат қуриш ёки сояли дарахтлар экиш ила ҳаққига тажовуз қилмаслик... лозим".**

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
"Инсон ва қонун" махсус мухбири

● Адлия ёрдам берди

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР

ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини таъминлашда адлия идораларининг ўрни

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг ташаббуси билан Чимбой тумани ҳокимлигида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга асосан фуқароларнинг ариза ва шикоятлари кўриб чиқилиши" мавзуида семинар ўтказилди. Унда адлия идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъул ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар.

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ

Семинарда амалдаги қонунларга мувофиқ ариза ва шикоятларни ўз вақтида кўриб чиқиш, тегишлилигига кўра ўрганиш ва ундаги масалаларни ҳал қилиш, шунингдек, зарур ҳолларда аҳолига ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар бериш тартиб-қоидалари ҳақида фикр-мулоҳаза алмашдилар, ҳаётий мисоллар, иш тажрибаларидан келиб чиқиб, мавзуни кенгроқ ўргандилар.

Ботир БЕКЖАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда республикамизда фаолият кўрсатаётган хорижий инвесторлар учун янада қулай шароит яратиш, уларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмини барпо этиш, шу асосда мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 205-сонли қарорига биноан, адлия идоралари томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан "Нестле Ўзбекистон" қўшма корхонаси манфаатини кўзлаб, Наманган шаҳар ДСИ томонидан қўшма корхонанинг ҳисоб рақамига қўйилган инкассо талабномаларини ижро этишни рад этишларини сўраб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилган бўлиб, хўжалик суди томонидан даъвонинг 185.388.580 сўмлик қисми қаноатлантирилди. Шундан сўнг вилоят адлия бошқармаси томонидан ушбу ҳал қилув қарори бекор қилинишини, иш янгидан кўрилишини сўраб, вилоят хўжалик судига шикоят хати киритилди. Ушбу шикоят хўжалик суди томонидан қаноатлантирилгани ҳолда, биринчи инстанция суди қарори бекор қилиниб, хўжалик низоси янгидан кўрилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон-Америка "Андижон-Полиэтилени" қўшма корхонаси манфаатини кўзлаб, вилоятдаги бир қатор фермер хўжаликларига нисбатан киритилган даъво аризалари ҳам суд томонидан қаноатлантирилиб, жавобгарлардан жами 3.473.568 сўм қўшма корхона фойдасига ундириш ҳақида ҳал қилув қарорлари чиқарилди. Шунингдек, Сурхондарё вилояти ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази билан "Электрокимёзаводи" ҚК ЁАЖ ўртасида 2007 йил 1 августдаги 547-сонли шартномага асосан корхона томонидан марказга 30.269.340 сўмлик кимёвий препаратлар юборилган. Ушбу маҳсулотлар учун тўлов муддати тугаганлигига қарамай, марказ томонидан олинган маҳсулотларнинг пулини тўлаш турли баҳоналар билан пайсалга солиб келинган. Ушбу ҳолат юзасидан адлия бошқармаси томонидан "Электрокимёзаводи" ҚК манфаатларини кўзлаб, Сурхондарё вилояти хўжалик судига тегишли тартибда даъво аризаси киритилди ва суд томонидан даъво ариза тўлиқ қаноатлантирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси "Қишлоқхўжаликкимё" АЖнинг Амударё филиали билан "Электрокимёзаводи" ҚК ЁАЖ ўртасида 2006 йил 16 январда тузилган 24-сонли шартномага ва жавобгарнинг 2006 йил 4 январдаги 2-сонли кафолатномасига асосан марказга қўшма корхона томонидан жами 50.437.690 сўмлик "Суперфосфат" минерал ўғити жўнатилган. Томонлар ўртасида тузилган шартноманинг 3.2 бандига асосан жавобгар олинган маҳсулотлар учун тўловнинг 50 фоизини бажариб, қолган қисмини 30 кун ичида тўлаб бериши лозим бўлса-да, тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган. Тўлов муддати 2006 йил 30 июлда тугаган. Адлия бошқармаси томонидан қўшма корхона қарзлари ундириб берилиши тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судига даъво аризаси киритилди ва суд даъвони қаноатлантирди. 2008 йил 1-чораги давомида ўтказилган мониторинглар натижасига кўра, назорат қилувчи ва бошқа ташкилотларга 3 та тақдимнома киритилди.

Бир сўз билан айтганда, адлия идоралари томонидан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб, қонун доирасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлаштириш ва тараққиётини юксалтиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Фариддун ШАДИЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Тизим тадбирлари

БОШ МЕЗОН

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Сайхунобод туманидаги Саноат касб-ҳунар коллежида "Ёшлар ва оила" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

"Ёшлар йили" муносабати билан ўтказилган мазкур тадбирда соғлом аёл — соғлом оила, аёллар ҳуқуқларининг кафолатлари, ёшлар ва оила муносабатлари каби мавзуларда сўз юритилди.

Туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Инобат Холдиёрованинг "Соғлом оила — бош мезонимиз" мавзуидаги маърузаСИ йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Конференция сўнгида тумандаги ибратли оилалардан саналмиш Кароматхон ая ва Одилхон ота Акбаровларнинг олтин тўй маросими ҳам тантанали ўтказилди ва уларга вилоят адлия бошқармасининг қимматбаҳо совғалари топширилди

Рухсора ЎРОЛОВА,
Сайхунобод туман ФҲДЁ бўлими мудираси

ТУШУНЧА БЕРИЛДИ

Бухоро вилояти адлия бошқармаси тизимидаги Пешку туман давлат нотариал идораси нотариуси ва ФҲДЁ бўлими ходимлари, жиноят ишлари бўйича туман суди ҳамда вилоят хўжалик суди ходимлари иштирокида "Ўзбекистон Республикасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизими" мавзуида йиғилиш ўтказилди.

Унда янги таҳрирдаги Солиқ кодексида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, бугунги кунда тадбиркорларга берилган солиқ имтиёзлари, янги Солиқ кодексининг афзалликлари тўғрисида атрофлича тушунча берилди.

Шунингдек, солиқ тўловчи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар юзага келган пайтдан эътиборан улар амал қиладиган бутун давр мобайнида фойдаланишга ҳақли экани айтиб ўтилди. Мол-мулк солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзларни бериш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши таъкидлаб ўтилди.

Маҳфуза НОРОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ

Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан Пахтаобод туманида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги олдидан "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Тадбирда бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари, боланинг яшаш ҳуқуқи, ҳимояга бўлган ҳуқуқи, билим олишга бўлган ҳуқуқи, боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи кафолатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари ҳақида сўз юритилди.

Камоллидин ЖАЛОЛИДДИНОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ

Янгиариқ тумани ФҲДЁ бўлими томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорини ҳаётга изчил татбиқ этишга қаратилган ибратли ишлар қилиняпти.

Оила мустаҳкамлиги турмуш қураётган ёшларнинг соғлигига ҳам боғлиқ. Тиббий кўрикдан ўтказиш тадбири эса оилалар бузилишининг олдини олишда ёрдам беради. Туман ФҲДЁ бўлими томонидан жойларда маҳалла маслаҳатчилари, оқсоқоллар ҳамда тиббиёт мутахассисларини жалб этган ҳолда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш аньанага айланган.

Ўтган йили туманимизда 896 та никоҳ қайд этилган. Уларнинг барчасида тиббий кўрикдан ўтказиш қатъий амалга ошаётгани, кўпчилик бунинг мазмун-моҳиятини тушунган ҳолда тўғри ёндашаётгани қувонарлидир.

Ражаббиби ПАНАЕВА,
Янгиариқ тумани ФҲДЁ бўлими мудири

Мамлакатимизда инсон омилига эътибор олий қадрият саналади. Бундай юксак эътибор самараси ўлароқ, Хоразм вилояти Ветеринария лабораториясига қарашли Урганч шаҳар, Хонқа кўчасидаги 119-А уй мазкур лаборатория ишчи ходимларига хусусийлаштириб берилади. Мазкур уйнинг 1-хонадони ветеринария лабораторияси директори Арслон Жабборовга насиб этади. А.Жабборов сира иккиланмай ўз хонадони ёнига оиласи эҳтиёжидан келиб чиқиб иморатлар қуради. Албатта, иморат қуриш — хайрли иш, бироқ Арслон ака томонидан бунёд этилган иморатлар шу уйнинг 2-хонадонига кириш йўлагини тўсиб қўяди. 2-хонадон ўша кезда лаборатория ишчиси (ҳозирда марҳум) И.Худойбергановга хусусийлаштириб берилган эди. У ўз раҳбари А.Жабборов билан кириш йўлагини очиш юзасидан келишишга уринади, уддасидан чиқолмайди. Охир-оқибат И.Худойберганов кириш йўлагини очиб беришларини сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига мурожаат қилади. Суд ушбу аризани кўриб чиқади ва даъвони қаноатлантирмасдан қолдиради. Чорасиз қолган И.Худойберганов хонадонини фуқаро Ш.Ибадуллаевага сотишга мажбур бўлади. Олти фарзанднинг онаси Шукуржон опа яна бир ўғлини уйли-жойли қилаётганидан, албатта, хурсанд эди. Бироқ орадан кўп ўтмай, 2-хонадонга эмин-эркин кириб-чиқиш имконияти йўқлиги Шукуржон опани ташвишга қўяди. Ноилож қолган онахон 2-хонадонга кириб-чиқиш имкониятини яхшилаш ва А.Жабборов томонидан ноқонуний равишда эгаллаб олинган ерларни қайтариб олиш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилади. Судья О.Маткаримов ишни кўришни бир муддат пайсалга солади. Зотан, мазкур даъво судга 2005 йил 11 июлда киритилган бўлсада, орадан олти ой ўтгандан кейингина кўриб чиқилади. Суднинг 2006 йил 24 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, Шукуржон Ибадуллаеванинг даъвоси қаноатлантирилмасдан қолдирилади. Мазкур қарор нафақат Ибадуллаевлар оиласини, балки бу ҳолатдан хабардор барча соғлом фикрли кишиларни таажжубга солади. Боиси, даъвогар томонидан Урганч шаҳар ҳокимлигининг архитектура бўлими, кадастр бўлими ва БТИнинг А.Жабборовга 2-хонадонга кириш йўлагини эгаллашга рухсат берилмаганлиги, у томонидан қурилган икки қаватли қўшимча иморат ноқонуний эканлиги тўғрисидаги маълумотлар судга тақдим этилган эди. Қолаверса, ИИБ Ёнғин хавфсизлиги томонидан 2-хонадонда ёнғин содир бўлган тақдирда уни ўчириш ва бартараф қилиш учун ҳеч қандай йўл йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома ҳам судья О.Маткаримов томонидан беэътибор қолдирилади. Табиийки, Ш. Ибадуллаева мазкур қарордан норози оиласида ҳамма ўз иши билан банд, турли идораларда сарсон-саргардон кезишга уларнинг вақти ҳам, тоқати ҳам йўқ. Бироқ вазият тақозосига кўра, Шукуржон опа

Суратда: А. Жабборов томонидан қурилган, Ибадуллаевлар хонадонига кириш йўлагини тўсиб қўйган иморат.

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

асосидаги халқаро ҳуқуқ нормалари мамлакатимиз қонунчилигида ҳам ўз аксини топган

(Давоми. Боши биринчи бетда.)

Фуқаролик муҳим ҳуқуқий институтлардан бири ҳисобланади. Глобаллашув ва интеграция жараёнлари жадаллашаётган XXI асрда фуқаролик билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Фуқаролик институтининг хусусиятлари унинг долзарблиги, ҳуқуқ ва эркинликлар борасидаги масалаларни ёритишда фуқароларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда ҳуқуқий имкониятларни кенгайтиради. Фуқаролик мақомига бўлган бундай ёндашув демократик давлатларнинг қонунчилиги — доктринаси ва амалиётида ўз аксини топмоқда.

Конституциямиз Республикамиз ҳудудида ягона фуқароликни ўрнатди. Бунинг маъноси биринчидан, давлатнинг ягоналиги, мустаҳкамлиги ва яхлитлигидир. Иккинчидан, барча фуқаролар, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролари бирдек сиёсий-ҳуқуқий мақомга эга, қонун олдида тенг ва давлат-ҳуқуқий муносабатларининг тўлақонли субъекти ҳисобланади. Учинчидан, республиканинг бутун ҳудудида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари давлат томонидан кафолатланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

Вазирлар Маҳкамаси хорижий давлатлар билан фуқароларимизнинг чет элларда ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган шартнома ва битимларни тузади, фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда дипломатик йўллар билан уни тиклаш чораларини кўради. Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда унинг тизимига кирувчи чет давлатлардаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари хорижий давлатлардаги фуқароларни ҳисобга олади. Чет эллардаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланмоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизимида фуқаролик мақомининг белгиланиши унинг асосий кафолатларидан бири бўлиб ҳисобланади. Фуқаро ва шахс ҳуқуқий мақомининг белгиланиши демократик давлатнинг тузилиши ва ижтимоий шарт-шароитларининг ривожланишига хизмат қилади ва у орқали ҳар бир давлат ўз мақсад-вазифаларини амалга оширади. Мана шунинг учун ҳам фуқаролик муаммоларининг ҳал этилиши нафақат халқаро, балки давлат ҳуқуқини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Абдуазиз ЧЎЛИЕВ,
ТДЮИ катта ўқитувчиси

● "Конституция — менинг ҳаётимда" танловига

КУЧЛИ ҲИМОЯГА ЭГАМИЗ

Ўзбекистон халқининг ёдидан сира кўтарилмайдиган, авлодларга ғурур билан сўзлаб беришга арзийдиган тарихий саналардан бири 1991 йил 1 сентябрь — Мустақиллик куни бўлса, яна бири 1992 йил 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган кундир. Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари орасида ўз ўрнини топишида қомусимиз муҳим аҳамиятга эга. Унда инсоннинг эркинлиги ҳамда ҳуқуқи биринчи ўринга қўйилган.

Шу ўринда оз муддатга Туркистон генерал-губернаторлиги тазйиқи остида бўлган аждодларимизни бир эслайлик. Улар армонга айланган орзуларининг рўёбини кўра олмадилар. Ўзлиги, тили, динини унутишга мажбур қилинган ота-боболаримиз мустақил юртимиз қомусини орзу қилмаган дейсизми?..

Эрк нашидасини суриб, баралла айтилган "мустақилман!" деган сўз не-не ватандошларимизнинг бўғзида қолиб кетди. Бу кун биз Чўлпон орзу қилган эл бўлдик. Фитрат, Қодирийнинг эзгу орзуси бўлган мустақил юртда яшамоқдамиз. Айни пайтда Асосий қонунимиз — Қомусимизга эгамиз.

Мен 1992 йилда дунёга келдим. Халқимиз истиқлолга эришган бахтли онларда дунё юзини кўрган энг бахтли қизлардан бириман. Биринчидан, боболарим орзу қилган эркинликни туйдим. Туғилганлигим ҳақидаги гувоҳномани ҳам адолатли қонунлар асосида олдим. Демак, мен дунёга келган онимдаёқ Конституциямга юзма-юз бўлдим. У мен билан ҳаётим давомида ҳамроҳ бўлиб келмоқда.

Илк бора мактабга қадам қўйганимда ҳам Конституциянинг 41-моддаси менга ҳамроҳ бўлди: **"Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир".**

Илк бор қалам ушлаб, ёзишни, ўқишни ўрганган кунларим, ёруғ синфхонага кириб келган устозимнинг кўзларига меҳр-ла қараганим ҳеч қачон ёдимдан кўтарилмайди.

Тоғлар бағрида кўрк берган қип-қизил лолаларга эътибор қилинг. Уларни шамоллар, бўрону ёмғирлардан тоғлар ҳимоя қилади. Чунки тоғлар уларга посбон. Мен ҳам ўзимни бир гулга ўхшатаман. Менинг суянчиғим — Қомусим. У мени ҳар доим ҳимоя қилади. Полапонини асраб-ардоқлаётган қушларга ҳеч аҳамият берганмисиз? Улар болалари учун ин қуришади, мустақил ҳаётга соғ-омон, бақувват, ўзини ҳимоя қила оладиган қуш сифатида етиштиради. Конституция ҳам бизни ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизда, ўзимизни ҳимоя қилишимизда, кучли бўлишимизда ёрдам берадиган ҳимоячимиздир. Мен бу ҳимояни ўз ҳаётимда, яқинларимнинг тақдирида кўрдим ва ҳис қилдим.

Ситора БАРЛИБОЕВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори,
Гулистон академик лицейи ўқувчиси

Мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий ҳимояси, таълим-тарбияси, баркамол авлод бўлиб етишишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақилликнинг илк кунларидан бошланган хайрли ишларнинг янги босқичи сифатида жорий йил "Ёшлар йили" деб аталиб, махсус Давлат дастури қабул қилиниши давлатимиз раҳбарининг ўсиб келаётган авлодга ишонч ва эътиборининг яна бир ёрқин намунасидир.

● 2008 йил — "Ёшлар йили"

БЕРУНИЙ ИЛМИ ВОРИСЛАРИ

Яқинда Беруний туманида бўлиб, дастур ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

— Туманда 53 та мактабгача таълим муассасаси, 67 та умумтаълим мактаби ва 6 та касб-ҳунар коллежи ёшларга таълим-тарбия бериб, ҳунар сирларини ўргатмоқда, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Улуғбек Юсупов. — Давлат дастури ижроси бўйича туман ҳокимлиги томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Дастлаб ёшларнинг ижтимоий ҳимояси масаласига эътибор қаратдик. Назаримда, энг катта ижтимоий ҳимоя ёшларнинг иш билан бандлиги масаласини ҳал этиш бўлса керак. Шуни ҳисобга олган ҳолда, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида мутасадди идораларнинг фаолияти доимий равишда мувофиқлаштириб борилмоқда. Ёшларнинг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ўз бизнесларини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида тижорат банкларидан кредит расмийлаштириш чоралари кўрилмоқда. Уй-жойга эҳтиёжи бўлган ёш оилалар аниқланиб, уларга ипотека кредитлари ажратилмоқда.

Туман ҳокимининг ўринбосари У.Юсупов туманда ёшларга кўрсатилаётган эътибор хусусида гапирар экан, айниқса, касб-ҳунар коллежлари фаолияти самарали бўлаётганини таъкидлади.

Чиндан ҳам, таълим босқичи сифатида коллеж тушунчасининг ҳаётимизга кириб келганига кўп бўлмаган бўлсада, ўзининг бир қадар афзалликларини намойиш қилиб улгурди.

Беруний туманида ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида илм масканлари ташкил этилмоқда. Тумандаги қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 10-сонли касб-ҳунар мактаби негизида ташкил этилган. Ҳозирда коллежда халқ хўжалигининг турли соҳалари учун мутахассислар тайёрланмоқда. Уларни ташкил қилишда, касб-ҳунарга йўналтиришда тумандаги ижтимоий-иқтисодий жараён, узоқ йилларга мўлжалланган режалар инобатга олинди. Эндиликда коллежда газ таъминоти жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш, тикув буюмлари ишлаб чиқариш, электр тармоқлари ва жиҳозларини ишлатиш, темир йўл станцияларида хизматни амалга ошириш, қурилиш ишлари, бухгалтер-аудитор, давлат кадастри ҳамда бино ва иншоотлар архитектураси каби халқ хўжалиги ривожида муҳим аҳамият касб этувчи ўндан зиёд йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

— Бу йил битирувчиларнинг 90 фоизга яқинини иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда, — дейди коллеж директори Икром Гулимов. — Туманимизда кўплаб янги иш ўринлари яратилаётгани ҳамда илғор мутахассислар тайёрлаш тизимининг йўлга қўйилгани жуда аҳамиятлидир.

Берунийда улуғ алломанинг муносиб ворислари тарбияланаётганининг гувоҳи бўлдик. Аллома издошлари яқин келажакда юртимизни обод этишда жонбозлик кўрсатадиган илғор мутахассислар бўлиб етишишлари, шубҳасиз.

Улли БОБОЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Пойтахтимиздаги «Шодлик-палас» меҳмонхонасида Конрад Аденауэр жамғармаси вакиллари томонидан «Сиёсий институтлар» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда Германия Бундестаги депутати Йоахим Хёрстер, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Сарвар Абдуллаев ва Адлия вазирлиги ходимлари ҳамда мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юртларининг талабалари иштирок этдилар.

ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ ОНГИНИ ОШИРИШ

ислоҳотлар истиқболларининг кафолати

Давра суҳбатида Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходимлари томонидан Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга татбиқ этиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Шунингдек, тадбирда вазирликнинг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритишни таъминлаш амалиётига алоҳида эътибор қаратилди Бинобарин, инсон конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда келажакда қабул қилинадиган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қандай чиғириқлардан ўтказилиши, хорижий давлатларнинг қонунчилик борасида тўплаган тажрибаларини ўрганиш ва ижобий жиҳатларини ўзлаштириш учун вазирлик ходимларининг хорижий тилларни пухта билиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Давра суҳбати баҳс-мунозара, фикр эркинлиги руҳида ўтди. Ёшлар Ўзбекистон Республикасида мавжуд сиёсий институтлар тўғрисида ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар. Шунингдек, Германия Парламенти — Бундестаг ҳақида ҳам етарлича маълумотга эга бўлдилар.

Меҳрибон АББАСОВА,
Адлия вазирлигининг катта маслаҳатчиси

ЭЪЛОН!

Навоий вилояти адлия бошқармаси Қизилтепа туман давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома;
7. Адлия вазирлиги ёки адлия бошқармасида нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорлар тегишлича раҳбарият томонидан имзоланган ҳамда ушбу талабгорнинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;
8. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган фуқаролар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақидаги малака комиссиясининг қаридан кўчирма.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Навоий вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8436) 223-01-38, 223-95-90

● Жиноятга жазо муқаррар

ТУЗОҚ

Ўзбек халқи азалдан меҳмондўстлиги, бағрикенглиги билан ном қозониб келган. Ҳатто очарчилигу уруш даврларида ҳам халқимиз меҳр истаб келган қўшни ёки бегонадан марҳаматини аямаган. Етим бўлса бошини силаган, оч бўлса ўз ризқидан қийиб бўлсада, борини улашган. Ва айнан шунинг учун ҳам мамлакатимиз бош кенти бутун дунёда "Тошкент — нон шаҳри" дея шуҳрат қозонди.

Сир эмас, истиқлол йилларида бутун мамлакатимиз қатори пойтахтимиз ҳам ўзгача чирой очди. Кўплаб замонавий иншоотлар қурилди. Шу билан бирга мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кўплаб имкониятлар эшиги очилди. Бугун юртимизда дунё мамлакатларининг юзлаб ширкату компаниялари фаолият юритиб, ўзларига ҳам юртимизга ҳам наф келтирмоқда.

Бироқ юртимизга келаётган меҳмонларнинг ҳаммасини ҳам эзгу мақсадлар билан келган деб бўлмайди. Ўз чиркин режасини амалга ошириш учун юртимиз остонасини ҳатлаб ўтаётган бундай "меҳмон"ларни ҳеч иккиланмай чаёнга қиёслаш мумкин. Хусусан, Афғонистон фуқароси бўлган Муҳаммад Ёқуб ҳам шундайлар сирасидан бўлиб чиқди. 2007 йил апрел ойининг охирларида Муҳаммад Ёқуб Афғонистонда "Шермуҳаммад" исмли шахс билан кўп миқдордаги "героин" гиёҳвандлик воситасини Ўзбекистон Республикасига контрабанда йўли билан олиб кириш ва сотиш жиноятини содир этиш мақсадида ўзаро жиноий тил бириктиради. Келишувга асосан "Шермуҳаммад", "Абдуманноп" исмли шахс орқали тахминан 1 килограмм "героин"ни Тожикистон Республикаси орқали Ўзбекистон яъни, Тошкент шаҳрига етказиши, Муҳаммад Ёқуб эса бу пайтда йўлини қилиб, Афғонистон Республикасидан Ўзбекистонга ўтиши ва бу ерда "Абдуманноп" етказган героинга харидор топиб, сотиши керак эди.

Режа жуда пухта ўйланади ва биринчи қисми кўнгилдагидек амалга оширилади. Муҳаммад Ёқуб Тошкентга кириш учун дўсти, асли афғонистонлик, ҳозирда Тошкентда тижорат ишлари билан "машғул" бўлиб юрган Шералидан фойдаланади. Муҳаммад Ёқубнинг суддаги кўрсатмасидан кўчирма:

"...Биз Шерали билан болаликдан бирга ўсганмиз. Кейинчалик улар Афғонистондаги уруш туфайли Эронга кўчиб кетишди... Бир куни у менга телефон қилиб ҳозир Тошкентда тижорат билан шуғулланаётганлигини айтди. Шундан сўнг биз деярли ҳар ҳафта телефонлашиб турдик. У телефон қилганида Тошкентнинг яхши шаҳар эканлигини, бу ерда тижорат қилиб каттагина пул ишлаш мумкинлигини айтарди. Унинг гаплари мени қизиқтириб қўйди. Ва ундан мени ҳам Тошкентда яшаш ва ишлашга кўмаклашишини сўрадим. Орадан ҳеч қанча ўтмай, у менга таклифнома жўнатди. Мен мазкур таклифнома орқали Ўзбекистонннинг Афғонистондаги элчихонасидан бир ойлик виза олдим ва Тошкентга келдим".

Муҳаммад Ёқуб ўз кўрсатмасида иқрор бўлганидек, 2007 йилнинг 30 апрел куни ўз жиноий режасини амлага ошириш мақсадида Тошкент шаҳрига кириб келади. Ва ўзининг таниши (Шерали) жиноят ишининг унга нисбатан қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс ёрдамида Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Пушкин кўчаси 79 уйдаги бир хонадонни ижарага олиб яшай бошлаган.

2007 йил 1 май куни эса "Абдуманноп" исмли шахс билан учрашиб умумий оғирлиги 1111, 02 гр бўлган героин гиёҳвандлик воситасини олиб, ўзи яшаб турган хонадонга беркитади.

Юқорида айтганимиздек, режанинг биринчи қисми силлиқ бажарилди. Яъни, Муҳаммад Ёқуб ҳам, "мол" ҳам "эсон-омон" Тошкентга етиб келади. Эндиги масала уни сотиш бўлади. Ва мана шу жараёнда мазкур жиноят ишига алоқадор бошқа шахслар исму фамилияси ҳам сув юзига қалқиб чиқа бошлайди.

Масаланинг аҳамиятли жиҳати шундаки, мазкур жиноий ишга алоқадор одамларнинг қолган барчаси юртдошларимиз Бегмурот Кутбиддинов, Хурсандқул Эшқораев, Бахтиёр Қодировлардир.

Хуллас, юқорида номлари эътироф этилган шахслар Афғонистонда тўни бичилган режанинг қолган қисмини Ўзбекистонда амалга оширишга киришадилар. Ҳукм билан танишиш жараёнида шу нарса аниқ бўладики, Хурсандқул Эшқораев билан Бахтиёр Қодировлар бир жойда ишлашган. Яъни бири фирма директори яна бири мазкур фирма юристи. Бегмурод Кутбиддинов эса улар билан ўзаро бизнес алоқалари орқали танишишган. Шерали билан эса улар 2006 йилдан буён таниш бўлишади.

Б.Кутбиддинов:

"...Мен Шерали билан 2006 йил сентябрь ойларида танишгандим. Мақсадим унинг фирмаси бор эди. Шу фирма орқали Ўзбекистондан Афғонистонга ипак сотмоқчи эдик. Бироқ ишларимиз унча ўхшамади. Шунинг учун алоқаларимиз узилиб кетганди..."

Б.Қодиров:

"...Мен Хурсандқул аканинг фирмасида юрист бўлиб ишлардим. Кунлардан бир куни у киши тери сотишига кўмаклашишимни илтимос қилди. Мен харидор қидириб юриб, асли Афғонистон фуқароси бўлган Шерали исмли шахс билан танишиб қолдим. У тери олишга розилик берганидан кейин мен Шерали билан Хурсандқул акани таништириб қўйдим..."

Х.Эшқораев:

"...Бахтиёр (Б.Қодиров) менинг қўлимда ишларди. Ундан тери оладиган харидор топишда кўмаклашишни сўрагандим. Бир куни у одам топдим, ака, деб келиб қолди. Кейин мени Амир Темур хиёбонида Шерали билан таништирди..."

Хуллас бир-бирларини бир йилдан зиёдроқ вақтдан буён танувчи бироқ анчадан буён оралари "узилиб" кетган бу жиноятчилар Афғонистондан "мол" келгач, бир-бирларини яна қидириб қолишади. Хусусан, Шерали аввал Бегмурод Қутбиддиновга гапнинг учини чиқариб кўради. Бегмурод эса Хурсандқул Эшқораевга "маслаҳат" солади. Бироқ масала анча жиддий эди. Чунки бу одамларнинг ҳаммаси олий маълумотли, шуғулланаётган ишларининг оқибати чиқса оқибати нима бўлишини яхши билишарди. Лекин бу ишнинг уларни оҳанрабодек ўзига тортадиган бир жиҳати бор эдики, бундан улар тамоман эсанкираб қолишганди. Яъни Шерали "мол"нинг пулини кейинчалик олсам ҳам бўлади, аввало сизлар фойдаланинглар, дея "фатво" берганди.

Шундай қилиб, охирги учрашувдан сўнг Бегмурод "мол"ни айтилган вақтда, айтилган жойга етказадиган, Хурсандқул Эшқораев ва Бахтиёр Қодировлар харидор топишга келишишди.

Харидор топилди. Учрашув жойи ҳам белгиланди. Бегмурод Шералига қўнғироқ қилиб "мол"ни беришни сўради. Шерали Бегмуроднинг қўлига "мол"ни тутқазди. У эса оёғини қўлига олиб учрашув жойи — Мирзо Улуғбек туманидан ўтувчи кичик ҳалқа йўли ва Паркент кўчалари кесишган чорраҳа яқинидаги "Салар" бекати томон чопди. Келишилган жойда уни Б.Қодиров ва Х.Эшқораевлар кутиб олишди. Молни кўриб ишонч ҳосил қилишгач, Х.Эшқораев мижоз Л.Абдураҳимовага қўнғироқ қилди. Абдураҳимова етиб келиб олди-бердини амалга оширилаётган бир пайтда жиноятчиларни Тошкент шаҳар ИИБ ва Ўзбекистон Республикаси ИХХ ходимлари қўлга олишди. Ўша жойдаги тезкор суриштирув натижасида маълум бўлишича, жиноятчилар гиёҳвандлик воситасини Л.Абдураҳимовага 18.000 АҚШ долларига пулламоқчи бўлишган. Судга оид кимёвий экспертизанинг 2007 йил 9 июнь куни берган 2/1267 сонли хулосасига кўра жиноятчилардан олинган моддалар таркибида гиёҳванд модда диацетилморфин мавжуд бўлиб, бу модда "героин" деб аталиши ва умумий вазни 1111,02 граммга тенг эканлиги аниқланган.

Халқимизда ҳамма нарса ниятингга яраша, деган ибратли гап бор. Нияти яхши одам ишининг баракаси ҳам шунга яраша бўлади. Қабиҳ ниятда қўйилажак ҳар бир қадам эса одамни тубсиз жарлик сари етаклайди. Буни юқоридаги ихчамгина ҳикоямиз мисолида ҳам кўрсак бўлади.

Мурод ТОИРОВ
Манба: Region.uz

"АСАКА" давлат акциядорлик тижорат банки жамоаси

матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини куни кеча республикамизда кенг нишонланган касб байрами билан самимий муборакбод этади!

Барчангизга машаққатли ва айни дамда шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилайди.

● Қилмиш

"ДИПЛОМ"ЛИ ДИРЕКТОР

Фуқароларнинг қонуний ҳужжатларини тайёрлаш ишлари қанчалар муҳим ва масъулиятли эканлигини айниқса бундай ишларга масъул одамлар яхши биладилар. Ахир бировга берилган битта ҳужжат ортида қанчадан-қанча далилий асослар бўлади. Шу асосларсиз ҳужжат ёзиш оддий қилиб айтганда, масъулиятсизлик саналади. Лекин...

...Мавлуда Зойиркулова (исм-шарифлар ўзгартирилган) 1997-1998 йилларда Наманган давлат университетида ходимлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган эди. Тўғри, бунга ўн йилча вақт бўлди. Бироқ кишининг биров билиб-биров билмай қолган ноқонуний хатти-ҳаракати, эгри қадами қачондир бир жойдан чиқиб қолавераркан. Ўшанда у бу лавозимга тайинлангач, кўпдан бери кутган нарсасини топгандай ўзини бамайлихотир ҳис қилди.

— Қандай соз, энди ҳужжатларни тўлдириш менинг қўлимда, — ўйлади у. — Қулай пайтини топиб бундай қўлинг ўргилсин имкониятдан фойдаланмай бўладими?! Ўқишни битирди, деган дипломни мен ёзиб бераман, ахир.

Қисқаси, у бол тутган бармоғини ялайди, қабилида иш тутишни маъқул кўрди... "Бировнинг киссасига ўғирликка тушаётган бўлмасам, кимдан нима кетди, — ўзини оқлади у, — катта бошлиқлар рўйхатларга қараб солиштириб ўтирибдими, мен ёзгандан кейин имзо чекиб, муҳр босиб бераверади-да. Қолаверса, мен "учирма" қилган "кадр"ларга ҳеч ким "диплом сохта эмасми?!" деёлмайди.



Текин даромад илинжи унинг ақлу ўйига парда тортганди, ходимлар бўлимидаги барча ҳужжат фақат унинг ихтиёрида эди, гўё. Бироқ ҳар қандай ноқонуний иш қинғирликнинг минг бир қозонида қайнаса ҳам хомлигича қолишини у хаёлига келтирмасди.

Эгри йўллар кўп ва доим чалкаш, тўғри йўл эса битта. Шу боис одамга бир-биридан силлиқ кўринган эгри йўллар доим "менга бурил" дегандай учрайверади, бирига қарамай ўтса, яна бири... Афсуски, бу эгри йўллар бир-бирига туташ, қай бирига бурилиб қўйсак, буткул адашиб кетиш ҳеч гап эмас. Текин даромад қинғирликни танлаган киши кўзини осонгина шамғалат қилади. Акс ҳолда Мавлуда ўз мансабини суиистеъмол қилмаган, М.Зойиркуловага шериклик қилган Гулсанам Эргашева ҳамма қатори университетда ўқиб, ҳақиқий диплом соҳиби бўлиш ўрнига сохта диплом олишни кўзламаган бўларди. М.Зойиркулова университетни битирувчилар учун тайёрлашга берилган дипломларни ёзаркан, ортиқча дипломдан фойдаланишни режалаштирди. Шу аснода таниши Гулсанам Эргашевага бошқа бир дардини "ёрди":

— Шу десангиз, одамларда ундиролмай юрган бир-икки ҳақларим бор, ҳеч ололмаяпман. Шунақа ишларга сиз устасиз-да. Мабодо ундириб беролсангиз, баҳонада сиз ҳам бир айланиб "олий маълумот"-ли бўлиб қолармидингиз. Бу ёғини ўзим тўғрилайман.

Сиздан угина, биздан бугина дегандай, савдо "пишди". Хуллас, у Гулсанам Эргашева номига 1995 йилда НамДУ ни "жисмоний маданият" мутахассислиги бўйича тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломга сохта маълумот ёзувларини киритади. Г.Эргашева ушбу қалбаки диплом билан Наманган шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 2005 йилдан бошлаб директор лавозимида ишлаб ва ноқонуний ойлик маош олиб, давлатга кўп миқдорда зарар етказди.

Ўтган йилнинг апрел ойида жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судида бу ҳолат юзасидан суд иши кўриб чиқилди, ва суд М.Зойиркуловага қилмишига яраша жазо тайинлади.

Албатта, сохта ҳужжатлар тайёрлаб одамларни чалғитувчи кимсаларга шерик бўлиш билан қонунни четлаб ўтиб бўлмайди. Зеро, тилла суви юритилган идишни тилла дейишдан маъни йўқ, бир куни миси чиқиши тайин.

Марат ЖУМАМУРАТОВ,
республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори,
Дилором МАТКАРИМОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

● Юридик таълим фидойилари

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Меҳри дарёдек устоз, юридик фанлар номзоди, доцент Жаҳонгир Ибодуллаев Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида бизга беш йил сабоқ берган, кейин домла билан роппа-роса беш йил шу даргоҳда бирга хизмат қилиш шарафига муяссар бўлганман.

Бугун орадан ўттиз йил ўтиб, домланинг юзлаб шогирдларидан бири сифатида, 60 йиллик қутлуғ ёши баҳонасида устоз ҳақида ёзишни ният қилдим.

Устоз Тошкент давлат университети юридик факультетини имтиёзли диплом билан тугатгач, йўлланма билан 1978 йилнинг сентябрида Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг юридик факультетига ишга келди ва дастлаб ассистент, доцент, сўнгра факультет декани, мана бир неча йилдирки кафедра мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

1990 йилда Тошкент давлат университетининг юридик факультети қошидаги ихтисослашган илмий кенгашда "Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг халқ назорати органлари билан ўзаро муносабатлари" мавзуидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган Жаҳонгир Ибодуллаев ҳозирда "Ягона юриспруденция тизимида юридик жавобгарлик муаммолари" мавзуида докторлик илмий ишини якунлаш арафасида турибди.

Домла 60 дан ортиқ илмий-услубий ишлар, ўқув қўлланмалари, дарслик ва монографиялар муаллифи. Шулардан 45 таси бевосита номзодлик диссертацияси ҳимоясидан кейин нашр қилинган. Мазкур илмий ишларнинг мазмун-мундарижаси — давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш, ҳокимият функцияларини тўғри тақсимлаш ва мукаммаллаштириш, ҳуқуқ тизимини қайта қуриш, қонунларни ислоҳ қилиш муаммоларига бағишланган ва улар кенг илмий жамоатчилик эътирофига сазовор бўлмоқда.

Домланинг касбига нисбатан фидойилиги ва қизитилган темирдек шогирдларига ўтказаётган иссиқ ҳарорати ҳозирги кунга қадар бир фурсат ҳам сусайган эмас. Чунки, устоз бугун ҳам кафедра мудири сифатида келажаги буюк давлатимиз учун етук, ғоявий баркамол ёш ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашдек эзгу ва хайрли ишларга бошқошдир.

Исматулла МАМАНОВ,
ҳуқуқшунос

Тошкент вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 12 июндаги қарорига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани «AYPREZ PLYUS» адвокатлик фирмаси адвокати Ҳасан Саидкаримович Бухаровнинг Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2005 йил 14 июлда берилган серияси TS 000499 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиш муддати 2 ойга тўхтатилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 12 июндаги қарорига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани «Qonunuy odil himoya» адвокатлик фирмаси адвокати Темур Тўйчиевич Хидировнинг Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан 2000 йил 3 февралда берилган серияси KS 000123 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиш муддати 3 ойга тўхтатилди.

ТУЗАТИШ

Газетанинг шу йил 24 июнь 29-сони 8-саҳифасида берилган «Қаллоблик» сарлавҳали мақоланинг сўнгги сўзбошидаги «бекор қилинди» жумласи «бекор қилиндимикин?» тарзида ўқилсин.

● Таассуф

ФАРЗАНДИДАН КЕЧГАН... ОТАЛАР

Учкўприклик Жўрақўзи ва Нафиса бундан 22 йил муқаддам турмуш қурганларида шириншакар фарзандлар кўриб бахтли яшашни ният қилишганди. Кўп ўтмай Дилафруз, Дилфуза, Давлатжонлар изма-из дунёга келиб уларнинг орзулари ушалди. Аммо...

Давлатжон эндигина тўрт ёшга етганда Нафиса бахтсиз ҳодиса туфайли ҳаётдан кўз юмди. Ҳалима хола туман ҳокимининг 1997 йил 17 декабрдаги қарорига мувофиқ уч нафар набирасини фарзандликка олди. Чунки ота бўлмиш Жўрақўзи Мамадиев Нафисанинг дафн маросимидан сўнг бир кетганча қайтиб қорасини кўрсатмаганди. Жигарбандларини моддий жиҳатдан таъминлаб туришни эса хаёлига ҳам келтирмади. Бу ҳол онадан айрилиб, етимликнинг аччиқ кунларини кечира бошлаган фарзандларнинг қалбини баттар ўкситарди.

Жўрақўзи ўн йил мобайнида фарзандларидан хабар олмади. Ҳалима ая сўнгги пайтларда набиралари таъминотида анча қийналиб қолди. Шу боис у туман халқ таълими бўлимига кўмак сўраб, мурожаат қилди. ХТБ вакиллари ушбу мурожаатни ўрганиб, Ж.Мамадиевни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судига даъво ариза киритишди.

— Отамни охирги марта қачон кўрганимни эслай олмайман. Агар унда бизга нисбатан заррача меҳр бўлганда, ўтган 10 йил ичида жилла қурса, икки-уч марта хабар олган бўларди, — дея суд мажлисида кўрсатма берди Дилафруз Мамадиева.

Қўқон шаҳар прокуратураси томонидан судга киритилган даъво аризасида эса фуқаро Ҳамиджон Асқаровни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш сўралган. Ҳамиджон ва Файзихон Асқаровнинг 2004 йилда туғилган кенжа фарзанди Раҳмонбекнинг кўзи ожиз бўлгани учун эру хотин ундан воз кечишди. Раҳмонбек ўтган йилнинг сентябрь ойида Меҳрибонлик уйига жойлаштирилди.

Оила кодексига мувофиқ ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасининг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш, ҳар тарафлама камол топиш, инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга (бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустасно). Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгар ҳамда уларнинг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий-ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт. Бу мажбуриятларини унутган Жўрақўзи ва Ҳамиджонни суд оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Ҳаётда фарзанд кўриш бахти насиб этмаганидан армон қилиб яшаётган инсонлар ҳам борлигини бу бахтга муяссар бўлган, лекин унинг қадрига етмаётганлар ўйлаб кўришса эди. Балки болалар бу каби тирик етим бўлиб қолишмасмиди?

Гулнора АҲМЕДОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг судьяси,
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

● Эҳтиёт бўлинг, фирибгар

АЛДАНГАН АБИТУРИЕНТЛАР

Эгри йўл илм даргоҳига элтмайди

Тест натижалари эълон қилинган, ўқишга киролмаган Олим Баҳромов эса университет ҳовлисида талабалик бахтига муяссар бўлган тенгдошларининг хурсандлигига ҳавас билан боққанича скамейкада ўтирарди. Икром Хидиров О.Баҳромовнинг ҳар бир ҳаракатини синчиклаб кузатиб турарди. "Йигитчанинг омади чопмаган кўринади. Бир айлантириб алдов тузоғини ташласа, ўлжа тап тортмасдан тушади-қолади", ўйлади у.

— Э, укажон, бу дейман омад чопмаган кўринади. Хафақон бўлиб ўтирибсиз, — дея хаста овозда қармоқ ташлаган бўлди.

— Шунақа бўлиб қолди. Рўйхатда фамилиям йўқ. Синовдан ўтолмадим. Лекин ўқиш истагим бор эди-да.

— Ука, кўп қайғурманг. Бу дунёда битмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Бирон чорасини топармиз. Фақат нарх-навосидан қочмасангиз бўлди. Университетда таниш домлаларим кўп. Бирон йўлини қилармиз, — дангал савдога кўчди у.

Бу гап Олимга далда берди ва нажот излагандек унга қараб:

— Ёрдам қилинг, жон акажон, уйдагилар билан гаплашиб кўраман. Улар рози бўлишади, — деди кутилмаган омаднинг чўғига исинган Олим.

— 1300 АҚШ доллари бўлса, ишинг битади. Анави тенгдошларингдек университет талабаси бўласан-қоласан.

Фирибгарнинг тузоғига илинган Олим буни сезмай ҳам қолди. Қишлоққа қайтиб, уйдагиларга бор гапни сўзлаб берди. Август ойининг охирги кунларида ота-онаси берган 700 АҚШ долларини Икром Хидиров қўлига тутқазиб:

— Ўқиш бошланган куни, яна 600 АҚШ доллари бераман. Фақат талаба бўлсам бас, — деди.

— Ҳаммаси жойида бўлади. Танишларим билан гаплашиб қўйдим. Ҳозир ариза ёзинг. Насиб этса, 15 сентябрдан иқтисод бўлимининг талабаси бўласиз. Мабодо, ҳамқишлоқларингиз орасида сиздайлар топилса, уларнинг ҳам ҳожатини чиқарамиз, — фириб тузоғининг ипларини кенгроқ ташлади фирибгар.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Олим яна 600 АҚШ долларини Икром Хидировга олиб келиб берди ва:

— Дадамнинг бирга ишлайдиган ўртоғи бор. Унинг қизи Гулсанам университетга киролмаган экан. Агар ўша қизнинг ишини ҳам битирсангиз, пулни ўзим олиб келиб бераман, — деди.

— Жуда соз. Паспортидан нусха олиб келинг. Аризани ўзим тўлдираман. Талабалар ҳашардан қайтгандан сўнг буйруқ чиқартирамиз, сиз айтган қиз ҳам ўқишга киради, — деди Икром.

Олим ўз аҳволини сезмай, бошқаларга ҳам воситачилик қилишга киришди. Ҳамқишлоғи Аҳмад Турсуновга қўнғироқ қилиб, ўзи ўқишга кирганлиги, университетда таниши борлиги, уни ҳам ўқишга жойлаб қўйиши мумкинлигини айтди. Аҳмад унинг гапларига ишониб, 750 минг сўм пулни бериб юборди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, улар Термиз шаҳрида Икром Хидировга учрашишди.

— Ҳаммаси жойида, ука. Мана шартнома, бориб бемалол дўстингиз билан ўқийверинг. Фақат қолган 750 минг сўмни берсангиз, сиз университет томон, биз эса уй томон йўл оламиз. Ишлар гулдур-гуп, ука.

Айтилган пулни қўлга киритган фирибгар улар билан хайрлашди. Тузоққа илиниб қолган ёш йигитларнинг қувончи бир олам эди. Ўша куни шанба бўлгани сабабли улар Деновга қайтишди. Душанба куни келиб суриштириб кўришди, уларнинг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқмаган эди. Бунинг устига шартномалар қалбаки эканлиги аён бўлди. Тўғри йўллар қолиб ноқонуний равишда талаба бўлиш орзусида ёнган Олим Баҳромов, Аҳмад Турсунов, Гулсум Тўраева, Манзура Ражабовадан (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жуда кўп миқдорда пул ва АҚШ доллари олган фирибгар Икром Хидировнинг қора қилмишларини ота-оналар кейин билиб қолишди. Улар берган пулларини қайтариб олиш учун Деновдан Термизга қатнайвериб ҳолдан тойишди. Икром Хидиров ҳар гал уларга: "Янаги ҳафта келинглар. Ҳозирча пулим йўқ, қайтараман", деган ваъдалари кетини узмасди. Хуллас, иш судгача етиб борди. Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди фирибгарлик йўли билан ўзгаларнинг маблағини ўзлаштирган Икром Хидировга уч йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Жабрланувчиларга келтирилган зарарни ундириш тўғрисида суд ҳукми чиқарилди.

Жиноятчи-ку, ўз жазосини олди. Аммо, ёлғоннинг тузоғига илиниб, эгри йўлни танлаган ёшлар, ота-оналарнинг соддалиги, ишонувчанлик қилгани шунча оворагарчиликларни келтириб чиқарди. Айтмоқчимизки, ёшлар тест синовида билимини ишга солиб етарли балл тўплашга интилсинлар. Қинғир йўл билан илм даргоҳига қадам босишнинг охири шундай вой бўлиши тайин.

Акбар ҲАБИБУЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг судьяси,
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Мустафаев Бўритош Мустафаевич, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Махмудов Лазизжон Мирзаевич, Рахмонов Абдукамол Шодиевич, Маматов Шоди Суюнович, Матрасулов Давлатназар, Раҳимберганович Саидов Шокир Камолович, Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Алимурод ТОЖИЕВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Буюртма Г-615. Тиражи — 9653. [t] — тижорат мақола.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-84-50, Факс: 233-65-99.

1 2 3 4 6 7 8

Сотувда эркин нархда